



СУРХОНДАРЁ СANOATI RИВОЖLANГАН OSUDA VA OBOД XUDUDGA AYLANADI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида жорий йил 13 март куни Сурхондарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи буюк аллома Ҳаким ат-Термизий мақбраси зиёрати билан бошланди. Аллоҳдан юртимизга тинчлик, хайр-бароқа тилаб дуо қилинди. Уламолар билан бўлган суҳбатда илм-маърифат ривожига яратилаётган шароитлар ва диний эркинликлар ҳақида сўз юритилди. Кейинги йилларда мусулмонлар ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинди: янги масжидлар, мадрасалар қурилди, илмий-маърифий мажмуалар барпо қилинган, хар йили минглаб юртдошларимиз Ҳаж ва Умра ибодатларини адо этиш бахтига мушарраф бўлишга эришди, эндиги асосий вазифа бунинг аҳамияти ва маънавиятини халққа етказиш экани таъкидланди.

Сурхондарёнинг иқлими деҳқончилик учун жуда қулай, маҳсулотлар эрта пилишади. Шу боис вилоятда сўнгги беш йилда мева-сабзавот асосий экин майдонлари 2,5 баравар кўпайтирилган. Бу йил аҳоли учун яна 8 минг 500 гектар ажратилмоқда. Деҳқонларга шароит яратиш, сув таъминотини яхшилаб, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 2 баравар ошириш ва экспортни 250 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Энг аввало, имом-хатиблар ҳудудларга чиқиб, Ҳаким ва Имом Термизийлар, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиновий, Абу Муин Насафий ва бошқа буюк алломаларимиз меросини тизимли ва чуқур ўрганиши кераклиги қайд этилди. Бунинг учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Охириги беш йилда вилоят саноатига 30 триллион сўм инвестиция жалб қилиниб, 5 мингдан зиёд корхона ташкил топган. Ишлаб чиқариш 3 баравар кўпайиб, саноат экспорти 132 миллион долларга етган. Сурхондарёда илгари бўлмаган қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, электр техникаси каби янги тармоқлар пайдо бўлган.

Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Шу билан бирга, вилоятда ҳали фойдаланилмаган конлар ва имкониятлар кўп. Жорий йилда 292 та саноат лойиҳаси ишга туширилиши белгиланди. Бу 10 мингта янги иш ўрни яратиш имконини беради. Шунингдек, саноатда импортни 50 миллион долларга қисқартириб, экспортни камидан 250 миллион долларга етказиш буйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида вилоят аҳлига чуқур ҳурматини билдириб, воҳа аҳли турли соҳа ва тармоқларда улкан натижаларга эришяётганини таъкидлади.

Илгирликда энергетика масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Сариев туманидаги Тўпаланг гидроэлектр станцияси ҳамда янги 3 та кичик ва микро ГЭСда шу йилнинг ўзида 350 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шеробод туманида 457 Мегаватт қувватли йирик қуёш электр станцияси ишга туширилади. Шунингдек, кичик қувватли қуёш панелларини ўрнатиш буйича режалар айтиб ўтилди.

Шунингдек, 257 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган, боғчалар қамрови 18 фоиздан 62 фоизга етган. 302 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. 1 минг километр халқаро ва 3 минг километр ички йўллар таъмирланган.

Умуман олганда, Сурхондарёда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга жорий йилги давлат дастурларида кўзда тутилган 1,5 триллион сўмга қўшимча 465 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Шунингдек, аграр соҳа, ичимлик суви ва тадбиркорлик лойиҳаларига қўшимча 328 миллион доллар жалб қилиш буйича топширик берилди.

Агар яна бир-икки йил қаттиқ ишлаб, халқимизга астойдил хизмат қилсак, Сурхондарёда жуда катта ривожланиш, ўсиш бўлади, - деди Шавкат Мирзиёев.

Булар орқали 325 минг аҳолини даромадди меҳнат билан таъминлаб, Сурхондарёни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилиб қўйилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига Улуғбек Қосимов номзодини тавсия этди.

Тақдимотдан сўнг вилоят кенгаши депутатлари номзоднинг режалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ташкилий масала овозга қўйилди. Унинг натижаларига кўра, Улуғбек Қосимов Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Утган йил декабрдан буён Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари белгиланган режалар энди ҳаётага кўчиши, барча ташкилотлар ҳоким атрофида бирлашиб, халққа хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари номзодни лавозимга тасдиқлашдан аввал унинг режаларини эшитишни таклиф этди. Улуғ-

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

“МАҚСАДИМИЗ – ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА РОЗИЛИГИ!”

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Жалол Арашов: “Биз ҳар бир мурожаатчининг ўрнига, аввало, ўзимизни қўйишимиз, мавжуд муаммога ҳолисона ва одилона ёндашмоғимиз керак. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик фаолиятида шэффофлик ва ошкоралик бирламчи масала. Мақсадимиз – халқ ишончи ва розилиги!”



Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманининг Бўзариқ кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Н. Исаевнинг Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазириликка қилган мурожаатида ўзига тегишли хонадонга туташ кўшни бўлган Мирзо Улуғбек туманидаги Салом кўчаси, 49-51-ўйнинг ташки тўқсиз сифатида қурилган девори баландлиги 6,0 метрни ташкил қилиши, фуқаро Н. Исаева билан келишилмагани, лойиҳа ҳужжатлари туман қурилиш бўлими (архитектор) томонидан тўлиқ ўрганилмаган ҳолда келишиб берилгани, деворнинг амалдаги баландлиги натижада хонадоннинг орқа ҳовлиси ва хоналарига қуёш нури тушиши ва ҳаво айланиши чеklangани ҳамда тўқсиз деворнинг баландлигини 3 метрга тушириш кераклиги асосий масала сифатида қўйилган.

Фуқаронинг мурожаатига асосан, ишчи гуруҳ масалани жойида ўрганиб, тегишли хулосаларини ҳам тақдим қилган эди. Бироқ мурожаатчи берилган хулосалардан кўнгли тўлмаётган вазирилик раҳбарияти билан учрашиш мақсади борлигини билдирди. Бу сафар масала қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Жалол Арашов, лойиҳа ташкилотларидан вакиллар, архитек-

тура ва қурилиш соҳаси мутахассислари ва мурожаатчи Н. Исаева иштирокида тегишли тартибда ўрганиб чиқилди. Хусусан, мавжуд ҳолат буйича фуқаронинг фикр-мулоҳазалари тингланди, масала қонун ҳужжатларига асосан муҳокама қилинди. Фуқаронинг мурожаати эшитилган, вазири ўринбосари масала юзасидан ҳаққоний ва одилона хулосага келишимиз учун ойдинлик киритилиши лозим бўлган айрим жиҳатлар мавжудлигини таъкидлади. Шу боис, тегишли соҳа мутахассислари иштирокида масалани чуқурлаштирилган тартибда қайта ўрганиб, қонуний ечимга келиш буйича мутоасаддиларга кўрсатма берилди. Шунингдек, учрашувда ишчи гуруҳ таркибига мурожаатчига тегишли уйнинг хоналарига қуёш нури тушиши ва ҳаво айланишини ўрганиш мақсадида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси мутахассисларини ҳам жалб қилиб, инсоляция хулосаси қайта олиниши лозимлиги билдирилди.

АМАЛИЙ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Вазирликда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш масалаларига бағишланган амалий-семинар ташкил этилди.



“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКнинг ҳудудий филиалларидан экспертлар, лойиҳа институтлари вакиллари ва қатор соҳа мутахассислари таклиф этилган амалий семинарда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Жалол Арашов ҳам иштирок этди.

даслабки йўриқнома батафсил тушунтирилди.

Семинарда сўзга чиққан вазири ўринбосари томонидан ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ишларини комплекс ташкиллаштириш лозимлиги, бу борада биринчи навбатда лойиҳа ташкилотлари ва экспертиза мутахассисларидан юқори малака ва профессионал ёндашув талаб этилиши таъкидланди.

“All Solar” компаниясидан таклиф этилган мутахассис томонидан тингловчиларга мазкур йўналишга оид назарий ва амалий тушунчалар берилди. Қайта тикланувчи энергия қурилмаларини ўрнатиш тартиби юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди. Белгиланган стандартлар асосида ишлаб чиқилган

БСК учун янги бино



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида бўлиб, “Сифат коммунал” бошқарув компаниясининг янги қурилаётган биноси билан танишди.

Бошқарув ташкилотининг инвестиция маблағлари ҳисобидан замон талаблари асосида барпо этилаётган икки қаватли бинода аҳоли қулайлигини таъминлаш мақсадида машиий хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилмоқда. Шунингдек, компания аҳолига қўшимча сервис хизматларини кўпайтиришни режалаштирган. Шу билан бирга, кўп қаватли уйлار атрофини ободонлаштириш ҳамда кўнглилар боб барпо этиш кўзда тутилган.

Хозирги кунда 60 та уйга хизмат кўрсатувчи компания 7 та ўзини оқламаган ширкат ўрнида ташкил этилган. Ширкатларнинг дебитор кредит қарздорлиги ҳам компанияга ўтказилган. Вазири ўринбосари қурилиш жараёнлари билан танишиб, аҳолини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатишда қулай шароит ташкил этиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, қўшимча хизматлар қўламини кенгайтиришга эътибор қаратиш кераклигини қайта айтилди.

Довруқ ва даромад манбаи

Муҳиддин МАҒЗУМОВ, журналист.

Наманган вилоятида бир қатор туризм ва маданий мерос объекти борки, булар халқаро миқёсда эътироф этилган, танилган. Биргина “Ўн бир Аҳмад” зиёратгоҳи ҳақида гапирадиган бўлсак, гувоҳлардан бирининг айтишича, бир неча йил аввал шу масканга Франциядан уч нафар сайёҳ келган. Келгандаям йўл-йўлакай эмас, балки ахтариб, излаб келган. Айтмоқчимизки, донғи Европага қадар кетган зиёратгоҳнинг халқаро ва ички туризмдаги аҳамияти беқийсдир.

Вилоят маданият ва туризм бош бошқармаси матбуот котиби Ҳамдамжон Мамадалиевнинг маълум қилишича, вилоятдаги 946 та туризм объектининг 274 таси маданий мерос, 30 таси кўнгилочар ва 45 таси тиббиёт, 40 таси ресторан ҳамда 565 таси эса меҳмонхона, санаторий, оилавий меҳмонхона, дам олиш масканларидан иборат. Бунда, жами жойлаштириш воситасидаги уринлар сифими қамрови 8 860 тага етиб, 2021 йилга нисбатан 4 019 тага кўпайишига эришилди. 4 та автобус ва 36 та микро-автобус сайёҳлар хизматида эканлигимиз эътирофга сазовор.

2022 йил мобайнида 1 850 минг нафар маҳаллий ва 18 минг нафар хорижий сайёҳни жалб этиш ҳамда хизматлар экспортини 10 миллион АҚШ долларига етказиш белгиланган ҳолда амалда бу рақамлар 3 230 минг нафарга етиб, хизматлар экспорти эса 21 миллион АҚШ долларидан ошди. Шундан, 3 150 минг нафари маҳаллий ва 80 минг нафари эса хорижий сайёҳлардан иборат бўлди. Яъни, вилоятнинг

туризм салоҳияти тобора ошиб бораётгани кўзатиш мумкин.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтов лагерлари, автокемпинглар, экоуйлар мажмуаси, контейнер шаҳарчалар ва чодирли лагерлар ташкил этиш учун 255 нафар тадбиркорлик субъекти “Oilakredit.uz” платформаси орқали ариза юборган. Буларнинг 153 таси рад этилиб, 63 таси маъқулланган ва 39 таси кўриб чиқилмоқда. “Oydin plaza” ва “Axsikent hotel” меҳмонхоналарига 5,1 миллиард сўм миқдорда субсидия ажратилди.

– Президентимизнинг туризмни ривожлантириш бўйича қатор имкониятларни бераётганликлари туфайли Нанай кишлогига соғломлаштириш мажмуасини ташкил қилдик, – деди “Green Zone Nanay” МЧЖ раҳбари Равшаной Абдураззоқова. – Тадбиркор бўлиш учун сармоянинг узигина кифоя эмас, балки танланган йўналиш бўйича аввало, билим, изланиш ва малака ҳамда кунт ҳам бўлиши зарур. Ана шундай эзгу ниятларимиз ҳамда саяб-ҳаракатла-

римиз самараси – барча шароитларга эга кемпинг ва ресторан сайёҳлар хизматида. 3 киши доимий ва 10 нафар фуқаро мавсумий иш билан таъминланган. Келгусида ишчи-ходимларни 50 нафарга етказишни режалаштирганмиз. Ҳозирда 10 миллион долларлик лойиҳа устида ишлаб, хорижий инвесторларни жалб қилиш ниятидамыз. Жонажон кишлогимиз – Нанайни сўлим ва жозибадор туризм масканига айлантириш учун инновацион хизмат турларини янада кўпайтирамиз.

– Вилоятимизда экстремал туризм хизматларига талаб катта, – деди Поп туманидаги “Shodak City” таъсисчиси Улугбек Абдусаматов. – Биз сайёҳларга асосан мазкур йўналиш бўйича хизмат кўрсатиш ниятида Камчиқдаги сўлим ва хушманзара 78 сотих майдонда “Қор сарой” номи турли аттракцион-кўнгилочар жиҳозлар ўрнатганимиз. Булардан ташқари, кемпингимиз ҳам бор. Лойиҳаларга шу кунгача 1,5 миллиард сўм сарфладик, яна 3 миллиард сўм инвестиция йўналтиришни режалаштирганмиз. Дам олиш масканимизга келувчи ватандошларимиз ва халқаро туристлар шароитлардан баҳраманд ҳамда миннатдор бўлиши натижасида янги-янги бизнес режаларни амалга ошириш ҳаракатидамыз.

Ҳа, вилоятда туризм истиқболлари янги босқичга кўтарилмоқда. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” шиори остида 6 та тасдиқланган йиллик режанинг ортиги билан бажарилгани ҳам бунинг яққол ифодасидир. 2022 йилда мамлакатимиз бўйлаб саёҳатга чиқувчилар оз эмас, кўп эмас 865 минг нафарни (104 фоизни) ташкил қилди. Бундан ташқари, “Мозийга саёҳат” номи ички туризм дастури орқали, ҳар йили 10 мингдан зиёд ўқувчи, тала-

ба ва пенсионерлар Чортоқ, Тўрақўрғон, Косонсой туманларига сафарга чиқишгани эътирофга сазовор.

Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси хорижий ва маҳаллий туристларга қулайликлар яратиш мақсадида (https://namangan-tourizm.uz) веб-сайтини ишга туширди. https://emehton.uz тизими меҳмонхоналарда маҳаллий ва хорижлик туристлар учун бўш жойлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни узлуксиз веб-сайтга жойлаб бормоқда.

Кейинги йилларда ривожлантириш йўлида катта эътибор қаратилаётган ички туризм соҳасида ҳали амалга оширилиши талаб қилинадиган ишлар кўп. Махсус ташкил этиладиган “туризм кўчалари”да жойлашган умумий овқатланиш корхоналари, кўнгилочар ва савдо объектилари, маданият ташкилотлари, бир сўз билан айтганда, туризм намоийиши объектилари тадбиркорлар учун инновацион долзарб ташаббуслар масаласига айланиши керак.

Зеро, “Туризм маҳалласи”, “Туризм кишлог” ёки “Туризм овули” мақоми берилган фуқаролар йиғинлари худудларидаги меҳмон уйлари, сузиш хавзалари, кўнгилочар жойларнинг ашиклари маҳаллий сайёҳларга доимо очикдир. Истиқболли режалар ҳам анчагина бисёр. 2022-2023 йилларда вилоятда туризм соҳасида умумий қиммати 1,034 триллион сўмга тенг 19 та меҳмонхона, 20 та дам олиш маскани, 7 та хостел ва оилавий меҳмон уйи, 6 та замонавий овқатланиш маркази, 2 та хунармандчилик маркази, 5 та эхотуризм, 24 та тиббий туризм ва 10 та савдо мажмуаси, 9 та спорт соғломлаштириш маскани ҳамда 17 та бошқа хизмат кўрсатиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати шакллантирилган.

Ургутликлар

“Ташаббусли бюджет”нинг олдинги сафида

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Республикамизда ошқоралик тамойилларига асосланиб, аҳолининг давлат миқёсидаги ишлардаги иштирокига жиддий аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, фуқароларнинг бюджет маблағларидан фойдаланишга фаол аралашishi жойлардаги кўплаб муаммолар ечим топишига имкон яратмоқда. Бу эса юрт равақига муносиб ҳисса қўшапти. Шу мақсадда “Ташаббусли бюджет” дастурининг шаклланиши бу борадаги муҳим қадамдир.

– Бюджет маълумотларининг очиклиги ва уни тақсимлашда одамларнинг бевосита иштирок этиши кўнгилдаги гап бўлди, – деди Ургут туман ҳокимлиги молия бўлими мудир Олим Қораев. – Президентимизнинг қароридан кейин аҳоли биринчи мавсумнинг ўзидаёқ турли муаммоларни бартараф этиш бўйича 512 та таклиф билан чиқиб, овоз бериш жараёндарида фаол қатнашган эди. Ушундан 16 та таклиф ғолиб, деб топилиб, туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”нинг қарийб 12 миллиард сўм маблағини олишга эришди. Ташаббускорлар фаолиги билан маҳаллалардаги 10 километрдан ортиқ ички йўл таъмирланди, 2 та мактаб ва бешта мактабгача таълим ташкилотига қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ичимлик суви қувири, электр энергияси линиясини торттишда ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Эндиликда ургутликлар “Ташаббусли бюджет”нинг олдинги сафида бошироқда. Улар тумани ободонлаштириш, камчиликларни бартараф этишга алоҳида аҳамият қаратишяпти. Бу ма-



салаларга ижобий ечим топиш, яъни, маблағ билан таъминлашда эса жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларга ажратиладиган маблағлар кўп келаётгани диққатга сазовор.

Масалан, Утган йилнинг охирида ўтказилган овоз беришда ҳам уллар фаол қатнашиб, 11 та лойиҳада ғолиб чиққан. Айни пайтда тендерда қатнашган пудрат ташкилотлари олдиндан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича ишларни ниҳоясига етказишяпти. Барча юмушлар жамоатчилик билан бирга, тегишли органларнинг назорати остида амалга оширилмоқда. Натижа ҳам шунга яраша, қувонарли бўляпти.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Март ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бош юрисконсулты **Фарход Эсанбоев**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси архитектура ва режалаштириш топширигини ишлаб чиқариш бўлими етакчи мутахассиси **Мақсуд Рамозонов**, бошқарма ҳузуридаги ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассиси **Нозим Яхёев**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Аҳмаджон Ражапов**,

Навоий вилояти, Навбахор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Бунёд Жўрақулов**,

Сирдарё вилояти, Гулистон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими давлат қонунларини назорат қилиш бўлими мутахассис архитектор **Жасурбек Умаров**ларни таваллуд қилиши билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

Номер пакета	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы	Срок строительства
MOEI-RIDP-SYR-W-23	Щебневание внутренних дорог в МСГ “Бобоюрт” (5 км), МСГ имени Мукими (11 км), МСГ “Янгибустон” (5,16 км), МСГ имени Амира Темура (3,6 км) и оснащение уличным освещением пешеходного тротуара в МСГ “Озодлик” (0,9 км) Баяутского района Сырдарьинской области	3 499 543 621 сум без НДС	120 календарных дней
MOEI-RIDP-SYR-W-24	Строительство стадиона с искусственным покрытием на территории школы №16 в МСГ “Пахтакор”, школы №27 и школы №44 в МСГ “Бунёдкор” Баяутского района и школы №27 в МСГ “Кахрамон” Хавастского района Сырдарьинской области	2 395 394 856 сум без НДС	60 календарных дней
MOEI-RIDP-SYR-W-25	Щебневание внутренних дорог в МСГ “Кайирма” (11 км) Хавастского района Сырдарьинской области	1 475 075 987 сум без НДС	90 календарных дней
MOEI-RIDP-SYR-W-26	Строительство пешеходного моста в МСГ “Юсалиш”, реконструкция и текущий ремонт трубчатых переходов в МСГ “Дустлик” Баяутского района Сырдарьинской области	225 171 121 сум без НДС	45 календарных дней

ГУП “Служба единого заказчика” Сырдарьинской области

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проходить в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 300 000 сум.

Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области Адрес: Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж). Факс: 67-227-64-42. Тел.: 67-227-64-48. E-mail: tender-12@mail.ru	Получатель: Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области Банковские реквизиты: р/с: 2021 0000 3038 3676 6001 Сырдарьинский филиал НБУ ВЭД ИНН: 202 585 476 МФО: 00363
---	---

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:

Номер контракта	Наименование объекта	Залоговое обеспечение
MOEI-RIDP-SYR-W-23	Щебневание внутренних дорог МСГ “Бобоюрт” (5 км), в МСГ имени Мукими (11 км), МСГ “Янгибустон” (5,16 км), МСГ имени Амира Темура (3,6 км) Баяутского района и оснащение уличным освещением пешеходного тротуара в МСГ “Озодлик” (0,9 км) Баяутского района Сырдарьинской области	69 990 872 сум
MOEI-RIDP-SYR-W-24	Строительство стадиона с искусственным покрытием на территории школы №16 в МСГ “Пахтакор”, школы №27 и школы №44 в МСГ “Бунёдкор” Баяутского района и школы №27 в МСГ “Кахрамон” Хавастского района Сырдарьинской области	47 907 897 сум
MOEI-RIDP-SYR-W-25	Щебневание внутренних дорог в МСГ “Кайирма” (11 км) Хавастского района Сырдарьинской области	29 501 520 сум
MOEI-RIDP-SYR-W-26	Строительство пешеходного моста в МСГ “Юсалиш”, реконструкция и текущий ремонт трубчатых переходов в МСГ “Дустлик” Баяутского района Сырдарьинской области	4 503 422 сум

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 (по ташкентскому времени) 3 апреля 2023 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

Адрес для подачи предложений: Консалтинговый центр по организации тендерных торгов в строительстве. **Адрес:** Сырдарьинская обл., Гулистан г. ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж). **Факс:** 67-227-64-42. **Тел.:** 67-227-64-48. **E-mail:** sirdaryotender20@gmail.com **Ответственный представитель консалтингового центра:** Алишер Сангиров.

